

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Ўзбекстон Республикаси

Ўзбекстон Республикаси ијтимоиј-иқтисодиј газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 20-АПРЕЛ, ЖУМА, 48 (7975) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoшлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Ўзадан эртаги ва мўл ҳосил олиш учун экин парваришида комплекс тадбирлар амалга оширилиши лoзим. Булар ўза қатор ораларига ишлов бериш, дала четларини кетмон қолиғи қилиш, бегона ўтларни йўқотиш, эгат олиш, ўғитлар бериш, ҳашаротларга қарши курашиш ва бошқа тадбирлардан иборат.



Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан иқтисодий нoчор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўлланган ноанъанавий ёндашув ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди.



Хориждан келтирилатган автоуловларни мамлакатимизга олиб киришнинг ўз тартиблари мавжуд. Мазкур қондаларга риоя қилиш эса автоуловларнинг мамлакатимиз ҳудудидаги эркин ва ҳавфсиз ҳаракатига ўзига хос қафолат вазифасини ҳам бажаради. Аммо ушбу тартибларга бўйсунмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш эса...

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

Қашқадарё Вилояти

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ФАРОВОН ТУРМУШ ОМИЛИ

Шахрисабз туманида миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган оилалар кўп. "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи Ражаб Мансуров оиласи ана шундай ҳунармандлар сулоласидан.

Ражаб ака турмуш ўртоғи Матлуба опа билан биргаликда тикувчиликка асосланган оилавий бизнесни йўлга қўйиб, мустақкам даромад манбаига эга бўлди. Улар томонидан тайёрланган миллий тўнларга, ўнга яқин турдаги тикувчилик ва каштачилик буюмларига талаб катта. Оилавий бизнес ривожига фарзандлари Маҳбуба ва Нилуфар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётди.

Ражаб ака ва Матлуба опа қишлоқдаги эллиқдан ортиқ уй бекасини касаначилик асосида иш билан таъминлаган.

СУРАТДА: Матлуба Йўлдошев ва қизлари Маҳбуба ва Нилуфар билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



Куннинг муҳим воқеалари

► Тошкент шаҳрида Жиззах вилоятининг Зомин тумани сайёҳлик салоҳияти намойишига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Зоминга йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳларни жалб қилиш усуллари, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

► Андижонда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" ижтимоий акцияси ўтказилди. Йигирма минг нафардан зиёд йигит-қиз қатнашган акция "Нихол" мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" танлови ғолиблари, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали лауреатлари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

► Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда бир юз ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалар 810 бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 545 талабгор ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Уларнинг 356 нафари ёш мутахассислардир.

Наманган Вилояти

АРИҚБЎЙИДА ЯНГИ ГУЗАР

ЧУСТ ТУМАНИДАГИ АРИҚБЎЙИ ҚИШЛОҒИ ОБОД МАСКАНЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан туманимиз миқёсида бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Чуст тумани бош меъмори Олимжон Хамидов. — Жумладан, туман марказидан анча олисда бўлган Ариқбўйи қишлоғида бунёд этилган маҳалла гузари фикримизга ёрқин мисол бўлади. Хусусий тадбиркор Хикматали Фозилонинг саъй-ҳаракати билан қишлоқ марказида замонавий озиқ-овқат дўкони, автосервис, пайнет, чевархона, музқаймоқ шохбосиси, эркаклар сартарошонаси, шатто хотин-қизлар учун гўзаллик салони ҳам курилиб, ҳатто туширилди.

Қишлоқ марказида бунёд этилган маданий-маиший иншоотларда ўндан ортиқ йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро Вилояти

Бир отардан икки отар яратилди

Баҳор фасли қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори яйлов кезиб, сурув ортидан юрган қўйчи-вонлар учун ҳам муҳим меҳнат мавсуми ҳисобланади. Айнан шу даврда қорақўлчилик хўжалиқларида тармоқнинг келгусидаги истикболини белгилаб берадиган қўзилатиш мавсуми ўтказилади.

"Қоровулбозор" насличилик қорақўлчилик ширкат хўжалиги Бухоро "Қорақўл" бирлашмаси тизимидagi йирик хўжалиқлардан бири саналади. Хўжаликка қарашли 53 та отарда 23 минг 200 бошдан ортиқ қорақўл қўйлари боқилади. Уларнинг 17 минг 408 бошини она қўйлар ташкил этади.

Бу йилги баҳор фасли яйловлардан ўз саховатини аямади. Қўй-қўзиларнинг илгини тўлдирадиган даражада ўт-ўлан унди.

Таҷрибали чорвадорлар бундан самарали фойдаланиб, туёқ сонини ошириш, отарларни соғлом, ёш қўйлар ҳисобига тўлдириш ишларини олиб боришаётди. Жумладан, қўзилатиш мавсумига алоҳида эътибор қаратишди.

— Ҳар бир отарда қўзилатиш мавсумини юқори суръатларда ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Баҳром Бозоров. — Отарларда мавсумолди таъ-

Ўзбекистон банклари ассоциациясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Бош прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида "Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори" мавзусида анжуман ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛИК — МУСТАҚКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Анжуманда сўзга чиққанлар таъкидлашганидек, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодиётни барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилингани ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Тижорат банклари томонидан ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 4 триллион 41 миллиард сўмни ташкил этиб, бу 2010 йилга нисбатан 1,5 борабар ошганли-

ги ҳам фикримизнинг исботидир.

Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда иқтисодий инкирозга учраган корхона ва ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда 4,5 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Шундан 28,3 миллиард сўм миқдордаги сармоялар касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Шунингдек, аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 365 миллиард сўм миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

Тадбир сўнгиди бир қатор коллеж битирувчилари ва тадбиркор аёлларга тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

Соҳиба СОЛИЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

БАЛИҚЧИЛАР ТАҶРИБА АЛМАШИШДИ

Нукус туманидаги "Нукус балиқ" масъулияти чекланган жамиятида балиқчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган йилнинг ўзига Оролбўйидаги табиий ҳавзалардан 1100 тонна, суғий ҳавзалардан 66 тонна балиқ овланди. Жорий йилда янги 27 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш режалаштирилган бўлса, бугунги кунгача Беруний туманидаги "Шаб-боз балиқ", Нукус туманидаги "Жалол қора Нукус" балиқчилик хўжалиқларининг суғий ҳовузлири ташкил этилди. Тўртқўл туманидаги "Балиқчи Бобур" фермер хўжалигида ҳовуз қурилиши олиб борилмақда. Бундан ташқари, Қораўзақ, Кегайли, Кўнгирот, Мўйноқ ва Тўртқўл туманларида янгидан балиқчилик хўжалиқларини ташкил этиш белгиланган.

Балиқ чавоқларини етиш-

тириш учун парваришхона ташкил этиш ҳамда Вьетнам мамлакатидан "Пангасиус" ва бошқа турдаги балиқларни Оролбўйи шароитида етиштириш назарда тутилмоқда. Яқин кунларда балиқчиликка ихтисослашган хўжалиқларнинг раҳбарлари шу мамлакатда бўлиб, тажриба алмашиб қайтади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Оролбўйи балиқчилари томонидан 248 тонна балиқ овланган бўлса, йил якунига қадар бу кўрсаткичнинг 3102 тоннага етказиш вазифа этиб белгиланмоқда.

Иштирокчилар "Нукус балиқ" ҳамда Нукус туманидаги "Жалол қора Нукус" корхоналаридаги фаолияти билан яқиндан танишишди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ



Хўжалик бош чўпони Рўзимурод Қурбонов.

ганига қувонамиз. Молимиз кўпайса, даромадимизнинг ортиси тайин-да.

Хўжалиқнинг Қирчашма, Оқина, Баландётоқ, Баландқўш яйловларида сурув боқатган бош чўпон-

лар — Исом Остонов, Тўлқин Розиков, Дилмурод ва Бобомурод Қурбоновлар ҳам олинган қўзиларнинг 80-90 фоизини ўстиришга қолдиришди.

Ҳамроз АЛИ

▼ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Фахрийлар эл-юрт ардоғида

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА. ЗОТАН, ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ УЛУҒЛАШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, УЛАРГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ КўРСАТИШ ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО ФАЗИЛАТЛАРИДАНДИР.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони кексаларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фахрийларимиз кўрсатган жасоратини улуғлаш борасидаги хайрли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, кексаларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, катта ҳаётий тажрибага эга бундай инсонлар фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин БОҚИ-БОЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мамлакатимизда ҳеч бир инсон давлат ва жамият эътиборидан четда эмас, – дейди Э.Боқи-боев. – Кучли ижтимоий сиёсат ва унинг амалий натижалари бугун нуронийларимиз ҳаётида, уларга давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлигида ҳам ўзининг аққол ифодасини топтоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг рағбатлантирилиши улар учун нафақат моддий, балки катта маънавий-руҳий мадд бўлаётди.

Халқимиз 9 майни фахр-ифтихор билан нишонлайди. Чунки ушбу сананинг Юртбошимиз ташаббуси билан “Хотира ва қадрлаш куни” деб эълон қилиниши халқимиз дилидаги истак-хоҳишларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Ёш авлод ота-боболарининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати, бугунги тинч-осойишта кунлар учун курашгани ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлмоқда.

Фахрийларимизни, хусусан, уруш қатнашчиларини ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларга моддий-маънавий кўмак бериш “Нуроний” жамғармасининг ҳам

доимий эътиборида.

Бугун юртимизда 7 мингга яқин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 117 минг фронтти меҳнат фахрийси истикомат қилмоқда. Бу табарруқ инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30 майда қабул қилинган “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётди.

Маъзур қарор ижросини таъминлаш бўйича 2011 йилда “Нуроний” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида 30 минг ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронга ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари бепул дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг саломатлигини яхшилаш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда турли тадбирлар ташкил этилаётди. Ўтган



йили 484 минг нафардан ортиқ кекса, ногирон ва фахрий тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифохоналарда даволанган 8 минг нуронийга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги сихаттоҳларга йўлланма берилди. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари аравачалар, турли тиббий жиҳоз ва протез-ортопедик мосламалар билан таъминланди.

Фахрийларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Қатор корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларнинг ҳомилий ёрдамлари фахрийларимиз турмуш шароити, саломатлигини янада яхшилашга хизмат қилаётди. Мисол учун, ўтган йили “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ор-

тида меҳнат қилган фахрийларга 102 миллион сўмлик дори-дармон воситалари берилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шахар, туман бўлимлари қошида ташкил қилинган “Ғамхўрлик”, “Мадад” гуруҳи аъзоларининг Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, юз ёшдан ошган отахон ва онахонлар хонадонига бўлиб, уларга уй-рўзгор юмушларида кўмаклашиши яқин аншага айланган. Бу халқимизнинг энг яхши фазилатлари авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этаётганининг аққол ифодасидир.

Нуронийларимизнинг ибратли ҳаёти, фидокорона ва ҳалол меҳнати ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол шахсни вояга етказишда ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, Мустақкам оила йили

муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда нуронийларимиз фаол иштирок этмоқда. 40-50 йил аҳиликда яшаб келаётган отахон ва онахонлар билан учрашувлар, айниқса, ёшлар учун фойдалидир. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамisha халқимиз ардоғида. Давлатимиз раҳбарининг кунчи кеча қабул қилинган фармони ҳам шундай маънавий ва жасорат намунасини кўрсатган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний момоларимизни ижтимоий ҳимоялашга, ҳаётдан рози бўлиб яшашига, ўз навбатида, бундай ғамхўрлик уларнинг умрини узайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗА мухбири Хусниддин БЕРДИЕВ ёзиб олди.

а аниқ тушунириш, уларда ахлоқий қадриятларимизга ишонч ва ҳурмат ҳиссини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ахлоқий тарбия воситаларидан яна бири адабиёт ва сўнбат асарларининг ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун тавсия этилишидир. Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишни илмий асосда ташкил қилиш, кўпинча гуруҳ раҳбарларининг фаолиятига ҳам боғлиқ. Бунда ахборот технологиялари, ахборот ресурслари марказларининг имкониятларидан мақсадли фойдаланиш лозим.

Муктасар қилиб айтганда, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, таълим жараёни ахлоқий тарбия билан узвий равишда олиб борилса, ўз олдимишга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Шомил ОДИЛОВ, Қарши тумани Иқтисодиёт кесб-хунар коллежи директори.

Наманган Вилояти

Эллик йилдан ортиқ далада ишлаб, деҳқончилик соҳасида тажриба тўпладим. Ортада қолган йилларни сарфисиб қилиб кўрсам, бирон бир йил иккинчи бир йилга сира ўшамас экан. Масалан, ўтган йили қор-ёғир кам, бу йил эса қиш қаттиқ келиб, ёғингарчилик мўл бўлди. Бунинг устига, қиш чўзилиб, боҳор кечикди. Бироқ март ойи туғани билан кунлар бирдан исиб, ерлар тез этила бошлади.

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

■ Абдураҳмон ҲОМИДОВ, Ўзбекистон Қадриятлари, Тўрақўрғон туманидаги “Шаҳанд-хумо-қуши” фермер хўжалиги бошлиғи.

Бундай шароитда деҳқон омилкорлик билан иш юртиши керак бўлади. Ер тобга келиши билан уруғ қадаш лозим. Негаки, тупроқдан табиий нам қочиб кетиши мумкин. Табиий намга ундириб олинган гўза ниҳоли тез ва тетик ривожланади.

Жорий йилда 40 гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилляпмиз. Кузда 19 гектар майдонга бугдой уруғи сепадик. Ҳосилдорликни гектар бошига 58 центнерга етказишни мўлжалляпмиз. Шунингдек, 21,4 гектар майдонга гўзанин “Наманган-77” навиин экидик. Уни бир текисда қандириб олишга ҳам эришдик. Экиш жараёнида дала-ларга белгиланган микдордаги минерал ўғитнинг солинганлиги катта фойда берди. Айни кунларда гўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордик. Гектарига 100 килограмм азотли, 80 килограмм фосфорли, 20 килограмм калийли ўғитлар солинмоқда.

Шу ўринда ота-боболаримизнинг “Бугунги ишни эртага қолдирма”, деган мақоли эсимга келади. Баҳорги дала юмушларининг вақтида баҳарган фермер кузда баракали хирмон кўтариб, эл-юрт орасида юзи ёруғ бўлади.

Қашқадарё Вилояти

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

Баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилади

Маънавий тарбиянинг илдизлари, аввало, оила, маҳалладаги одоб-ахлоқ муҳитига бориб тақалади. Шунингдек, баркамол авлод тарбиясида таълим, хусусан, таълим муассасаларининг ўрни муҳим.

Қарши тумани Қоратепа қишлоғида жойлашган касб-хунар коллежидида Сарой, Файзобод, Қозоқ, Мангит, қўшни Нишон туманидаги Пахтабод, Жалажин қишлоқлари ёшлари тахсил олишади. Бу ерда 7 йўналиш бўйича 80 нафардан ортиқ малакали муҳандис, иқтисодчи-педагоглар, ишлаб чиқариш таълими усталари, фан номзодлари ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Коллежда қишлоқ мактаблари, ўқувчилар ота-оналари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан

ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Қолаверса, коллеж билан Қарши давлат университети, Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамда Плекханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиаллари ўртасида ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари натижаси ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ошишида намоён бўлмоқда.

Хоразм Вилояти

— Худо хоҳласа, бу йил ҳосилимиз аввалгилардан-да, мўл бўлади. Табиат деҳқонга қайишмоқда — дарё сувини, қуёш нурини аямаяпти, — ҳаёлидан кечирди Эриммат ака барака уруғи қадалган далаларга боқаркан.

ИШ БИЛГАН БУГУНДАН ЭРТАНГИ БАРАКА ҲАҚИДА УЙЛАЙДИ



ўсиши ва ривожланиши тезлашади, ҳосилдорлиги ошади. Гўнг таркибидеа кальций, магний, олинтуғурт ва бошқа моддалар бўлиб, булар тола сифатини оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам биз маҳаллий ўғит тўплашга ва уни шибаланган усулда сақлашга, талаб даражасида ишлатишга катта аҳамият қаратамиз. Шу боис ҳам ҳар йили эккан “Меҳнат” нави гўзамиз ҳосилининг катта қисми уруғлик учун қабул қилинади.

Фермер хўжалигининг муқобил МТПси бўлиб, унда 100 дан ортиқ техника воситалари мавжуд. Айни кунларда бу техникаларнинг бир нечаси қўшни фермер хўжаликларига ёрдамга юборилган. ...Деҳқоннинг илк орзу-умиди, қилган ниятлари мурғак ниҳолларда юз кўрсатди. Улар омилкорлик билан қилган меҳнат эвазига юксак хирмонларга айланган.

Холмурод ҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Жиззах Вилояти

БУ ЙИЛНИНГ ТАЛАБИ ОМИЛКОРЛИКДИР

Зафаробод туманидаги “Жомбой” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Абдурашид Сафаров эндигина тупроқни елкалаб чиқаётган ниҳол устидаги ўрик данагидай кесакчани олиб ташлаб, оқиш ва буккик ниҳолни очди.

— Шу кесак ҳам юк бу талпинчоққа, — деди у қаддини ростлаб — Пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг биринчи шарт, яхши тайёрланган пайкалга чигитни мақбул муддатда экиш. Ота-боболаримиз “Пахтакор чигит экаркан, уни лоақал олма гули билан баравар ерга тушириши керак”, деб бежиз айтишмаган.

Қиш серёгин, намгарчилик кўп бўлган бўлса-да, апрелда ҳавонинг одатдагидан исиб кетиб, қурғоқ кечаётгани тупроқ намини тобора камайитираётди. Бундай шароитда нима қилмоқ керак?

Бизнинг ҳудуд шароитидада култиваторлар камидеа 28 та ишчи қисми билан далага киритилади. Ҳар қатор ораларига тўртта ротацион юлдузча, тўртта пичоқ, чуқур юмшатиқ, четки қаторга қўшалоқ юлдузча, иккита пичоқ ва чуқур юмшатиқ ўрнатилиши яхши самара беради. Уларни иш ҳолатига мослашда ротацион юлдузчаларнинг митти ниҳоллар тубидан 5-6 сантиметр масофада ўтиб, 4-5 сантиметр чуқурликда юмшатишига, пичоқларнинг

эса қатор ўртаси сари чуқурроқ бота боришига эътибор бериш керак.

Хўжалигимизда гектарига 100 килограммдан фосфорли ва 40 килограммдан калийли ўғитлар бераётимиз. Сабаби, чигит униб чиққанидан то биринчи чин барг чиқаргунча экин ана шу ўғитларга талабчан бўлади. Бундан ташқари, ўғитлар намини узокроқ сақлашга ҳам ёрдам беради. Экиш олдида гектарига бир тоннадан маҳаллий ўғит чигитгаримиз ҳам намининг бўғиланиб кетмаслигига хизмат қилляпти.

Тупроқ намини йўқотмаслигининг яна бир омил, биринчи ишлов ортидан тезда биринчи майда чопик ташкил этишдир. Негаки, биринчи култивациялаш пайтида култиватор пичоғи гўза қўчқатлари тубидан 5-6 сантиметр наридан ўтиши боис, қаторларнинг икки томонидида шунчадан масофани қўшсак, 10-12 сантиметр жойда бегона ўт қолиб, экин озукасига ва тупроқ таркибидеаги обихаётга шерик бўлаверади. Демак, бу билан ҳам экинимизни «текинхўрлар»дан халос



этамиз, ҳам қаторлар орасини майин ва юмшоқ сақлаймиз. Эгитлар ичининг юмшоқ тутилиши эса, намининг узокроқ сақланишини, ҳаво алмашинуви яхшилашини таъминляйди. Ягоналашни ҳам кечиктирмаслик керак.

Фермер хўжалигимизда 16 нафар ишчи ва механизатор меҳнат қилади. Жами 86 гектар ер майдонимиз бўлиб, шундан 42 гектаридеа гўза ўстиряпмиз. Бу йилги мақсадимиз, ҳосилдорликни ўтган йилги 34 центнердан 40 центнерга кўтартиш.

Бегона ўтларнинг ҳозирги хуружига қараганда, улар бу йил анча кўп бўладиганди. Хўжалигимиз ишчи ва

Қатор ораларига дастлабки ишлов беришда сифатни таъминлаш учун култиватор ишчи қисмларини тўғри танлаш ва уларни қатор ораларига тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга.

Бегона ўтларни йўқотиш ва ҳимоя зонасини юмшатиб кетиш учун култиваторга ротацион юлдузчалар ва пичоқлар ўрнатиш лозим. Демак, қатор ораларига ишлов бериш ерни юмшатиб, ўсимлик учун қулай ҳаво ва иссиқлик режимини таъминляйди, тупроқнинг ортиқча зичлашиб кетишига йўл қўймайди, тупроқ захини йўқотади. Қатор ораларига дастлабки ишлов беришда кўчатни тўлиқ сақлаб қолиш мақсадида култивацияни секин-аста ўтказиш, ўсимликнинг кўмилиб кетиши ҳамда кесилишига асло йўл қўймаслик керак.

Биринчи култивация ўтказишда минерал ўғит бериляйди. Гўза 2-3 чинбарг ҳосил қилгўнга қадар, умумий микдорга нисбатан азотнинг 0,13 фоизи, фосфорнинг 0,10 фоизи, калийнинг 0,10 фоизи, 2-3 чинбарг чиқаргандан шоналагўнга қадар азотнинг 10 фоизи, фосфорнинг 8,6 фоизи, калийнинг 7,2 фоизи, шоналашдан қийос гуллаш давригача азотнинг 30 фоизи, фосфорнинг 19 фоизи, калийнинг 13 фоизи микдоридеа солиш тавсия этиляди.

Маълумотларга қараганда, гўза дастлабки — пайтларда биринчи-иккинчи чинбарг пайдо бўлгўнча, асосан чигитнинг ҳисобига ривожланиб, фотосинтез жараёни кучайиши билан озик моддаларга талаб ортади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, ҳамма шароитга мувофиқ келаверадиган ягона кўрсатма ёки тавсия бўляйди. Ҳар бир ҳудуд шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда иш туттиш керак.

Маълумки, ҳар бир йил, унинг ҳар бир даври ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам мутахассислар кенг миқёсда фикр юритишлари, ангилларни ишлаб чиқаришга жорий этишга ижодий ёндашишлари зарур.

Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қилган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Панжи ХўҲАЕВ, Тошкент давлат Аграр университети магистри.

«АСАКА» БАНК — ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ



Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғи ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустақамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Фарғона вилояти филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-кисса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириб, бу маблағларни омонатчилик, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда қўлайтириб бормоқда. Бунда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун», деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Филиал томонидан ҳўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ҳамда ташкилотларнинг молиявий аҳолини яхшилаш борасида ҳўкуматимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

2012 йил 1 апрель ҳолатига қўра, банк филиали жами кредит қўйилмалари миқдори 67,7 миллиард сўмини ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 бараварга ўсди. Узоқ муддатли кредитлар салмоғи 96,4 фоизни ташкил этди.

2011 йил давомида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 13,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 260 нафардан зиёд янги иш ўрни яратилди. 2012 йилнинг 1 чорағи давомида эса филиал томонидан 5,4 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 130 нафар янги иш ўрни яратилди.

«Асака» банкнинг Фарғона вилояти филиалига қўрамоли ва омихта ем сотиб олиш мақсадида кредит сўраб, муҳожат этдик, — дейди «Қўрғонтепа Акбаралиев Амридин ери» фермер ҳўжалиғи раҳбари Илҳомжон Абдурахмонов. — Банк уни қўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Сарможа ҳисобига 15 бош қўрамоли ва омихта ем олинди. Бу эса бизга Фарғона шаҳри ва тумани аҳолисини сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш учун кенг имкониятлар яратди. Шу билан бирга, лизинг асосида имтиёзли равишда «ТТЗ-80-11» тракторини олдик. Натижада ҳўжалиғимиздаги маҳвуд ер майдонларига ишлов бериш янада тезлашиб, ҳосилдорлик ошди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш нати-

жасида фермер ҳўжалиғимизда 4 та янги иш ўрни яратилди. Биз «Асака» банк хизматларидан мамнунмиз ва фахр билан уни «ўзимизнинг банк», деб атаймиз.

— Фарғона шаҳри аҳолиси узогини яқин қилиш мақсадида «ISUZU» русумидаги автобусларни кредит орқали олиш учун «Асака» банкнинг вилоят филиалига мурожаат этдик, — дейди «Фарғона Асака Транс» МЧЖ раҳбари Улмас Ҳикматиллаев. — Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда қўриб чиқиб, ҳал

миллион сўм миқдорида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланиши муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган «BankExpo-2012» банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматларини миллий кўргазмасида «Асака» банк «Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи» номи-нациясида голиб деб топилди.



этиб бердилар. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 80 нафар янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда мазкур автобуслар Фарғона шаҳри аҳолисининг узогини яқин қилмоқда.

«Асака» банк Фарғона вилояти филиали томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига асосан 607,8 миллион сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармонида асосан филиал томонидан тадбиркор аёллар иш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 252,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила» йили, деб эълон қилинган-лиги муносабати билан 2012 йил 1-чорағи давомида ёш оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида 21 та ёш оилага имтиёзли шартларда 244,1

Филиал ресурс базасини кенгайтириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 6 турдаги янги омонат жорий этилди. Ҳозирда аҳолига 73 турдаги миллий ва хорижий валютлада омонатлар тақдир этилмоқда. Аҳоли омонатлари қолдими 2012 йил 1 апрелга келиб 6,04 миллиард сўмини ташкил қилди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик картчалар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда. Филиал томонидан 54 421

дона сўм пластик картчалари ва 357 донга халқаро пластик картчалар муомаласига чиқарилиди.

Филиал сўм пластик картчаларни муомаласига чиқаришни бошлагандан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича фаол ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунга келиб, банк томонидан жами 379 та корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 49 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик картчалар орқали амалга оширилмоқда. Пластик картчалар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 2012 йилнинг ўтган даврида 11,1 миллиард сўмини ташкил қилди. Бу эса Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи аҳолининг «Асака» банк пластик картчаларига бўлган ишончилигини янада ортаътаълигидан далolat бермоқда.

Шу билан биргаликда, қўп хизмат сафарларида чиқадиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига банк хизматларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан корпоратив пластик картчалар жорий этилган бўлиб, ушбу хизматдан ҳозирги кунда 45 та банк мижозлари фойдаланмоқда.

Филиал томонидан бугунги кунга қадар вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган мижозларга жами 371 та ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Бундан ташқари, мижозларга берилган савдо терминалларининг қулайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация қилиш, яъни савдо тушумларини банкдаги ҳисобрақамига тўридан-тўри тушириш имконини беради. Бу эса мижозларга вақтдан тежаш имкониятларини яратмоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида 3 та инфокиос ва 1 та банкомат ўрнатилди. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш сифат даражасини янада оширишда филиалга қарашли бўлган 2 та минибанк, 3 та жамғарма ва махсус кассаларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган. Ушбу минибанклар, жамғарма ва махсус кассалар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик картчалар орқали барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

«Асака» банк Фарғона вилояти филиали Мустаҳкам оила йилида мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантиришга оид лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

БАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИ

МУТАХАССИС ФИКРИ

ФАРОВОНЛИК УЧУН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР

БУ ЖАРАЁНДА ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, хусусан, қишлоқ мулкдорларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар қишлоқ ҳўжалиғида эришилаётган ютуқларнинг мўҳим омил бўлмоқда.

Амалга оширилаётган исллохотлар боис бу жаҳада эришаётган муваффақиятларимиз ошиб бормоқда. Хусусан, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сўт 2 баробардан ортиқ ва туҳум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошди.

Мамлакатимизда 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур галланнинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сўт ва сўт маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сўтининг 100 фоизи четдан келтирилган. Озик-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиғи натижасида ҳозирда аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Эришилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири — яратиб берилаётган шарт-шароит. Биз шу ўринда улардан бирини таҳлил этамиз. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда давлат рўйхатида олинган «Қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш харажатлари тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом»-га мувофиқ тижорат банклари томонидан қишлоқ ҳўжалиғи корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида-ри учун кредитлар бериш тартиби ишлаб чиқилган.

Тижорат банклари томонидан юқорида зикр этилган

Низом кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни бўлғуси ҳосил ҳисобидан меъерий харажатлар доирасида уруғ-ликка ҳам бўнак тўлашни қўшган ҳолда контрактация шартномасида кўрсатилган миқдорнинг 60 фоизигача пахта ва галла етиштирувчи фермер ҳўжаликларига босқичма-босқич ҳамда ҳар ойда белгиланган меъерлар доирасида имтиёзли кредитлаш қўринишида маблағлар бериб борилади.

Кредитлар давлат эҳтиёжларига сотиладиган маҳсулот қийматининг 60 фоизигача миқдорига йиллик 3 фоизлик устама ҳақ тўлаш шарти билан (2 фоизлик қисми банк маржаси) галла учун 12 ойгача, пахта хомашёси учун 18 ойгача бўлган муддатда берилади.

Кредитлар иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш, МТПлар (шу жумладан, муқобил МТПлар), Сўв истеъмолчилари уюшмалари ва қишлоқ ҳўжалиғи техникаси мавжуд бўлган бошқа ҳўжалик субъектларининг хизматлари ҳамда олинган уруғлик учун тўловларни амалга ошириш, лизингга берилган техника воситаларининг лизинг ва сўгурта тўловлари, фойдаланилган электр энергияси, ягона ер солиғи тўловлари, минерал ўғит ҳамда ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, ҳўжалик

иҳтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмлар, полиетилён плёнкиси харид қилиш учун ажратилади.

Мазкур Низомда қишлоқ ҳўжалик корхоналарига мавсумий кредитлар ажратиш миқдори ҳам белгиланб берилган. Бироқ технологик харажатлар ва агротехник тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир етказиб бериладиган моддий-техник ресурслар ҳамда хизматлар

миқдорини белгилаш талаб этилади.

Шу сабаб, Молия вазирлиги Қишлоқ ва сўв ҳўжалиғи вазирлиғи билан биргаликда агротехнологик харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳар йили галла ҳосили ва пахта ҳосили бўйича «Тавсиялар» ишлаб чиқди.

Мазкур тартиб тавсия сифатида юборилган учун асосий агротехник тадбирларни амалга оширишда қишлоқ ҳўжалиғи корхонаси бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда кредит ресурсларини айрим мақсадларга сарфлашдан воз кечиш ҳўкуқига эга (уруғлик, минерал ўғитлар, кимёвий ёки биологик воситалар харажатлари бундан мустасно).

Табтбқ этилган механизмнинг афзаллиғи шундаки, харажатларнинг айрим турлари бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳўжаликлар мазкур маблағларни технологик харажатларда белгиланган бошқа харажатларни қоплаш учун, масалан, ўз тракторига эга бўлган ҳўжалик МТПлари кўрсатадиган хизматлар учун белгиланган маблағларни ёнгилик-мойлаш материаллари ёки минерал ўғитлар сотиб олиш мақсадида ишлатиши мумкин. Бунда узоқ масофада жойлашган фермер ҳўжаликларининг ўз маблағларини йўналтириш учун ҳар ойда бир неча марта банкка келишига зарурат қолмайдиган уларнинг иҳтиёрига қараб мавсумий тўловларни ҳар ойда бир марта ўтказиш имконияти юзага келади.

Бундан ташқари, давлат эҳтиёжлари учун етиштириб топширилган пахта хомашёси ва галла ҳосили учун яқини ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда фермерларимиз учун яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар мўл ҳосил етиштириш, пировардда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ақмал ХОЛМУРАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

САРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият юритиши, ривожланишининг юқори сўрьатларига эришиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда молия-банк муассасаларининг ўрни бекиёсдир.

AGROBANK

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Агробанк» ОАТБнинг Наманган вилояти бошқармаси филиаллари томонидан ҳам кичик бизнес субъектларига озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истикболли тармоқларни ривожлантириш ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит маблағлари ажратилмоқда.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 чорағида қарийб 7 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 миллиард сўм ёки 157 фоизга ошди. Ажратилган банк кредитлари ҳисобига 885 та янги иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажми 1 миллиард 545 миллион сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 380 миллион сўм ёки 133 фоизга ошди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Энг асосийси, ҳозирги кунда аёл тадбиркорларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. — «Агробанк»нинг Тўрақўрғон филиалидан замонавий кийим-кечақлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 50 миллион сўм миқдоридан узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди. Сармоя ҳисобига 15 та янги иш ўрни яратилди, — дейди «Дилрабо-СДА» хусусий корхонаси раҳбари Маъсудахон Содикова. — Айни пайтда корхонамизда тайёрланаётган кийим-кечақлар нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам сотилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонида асосан иқтисодий нуҷор кор-

хоналарни банклар баланси-га ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўлланган ноанъанавий ёндашув



ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди. Наманган вилоятида жойлашган «Инвесттекс-ИБ» МЧЖ 5,5 миллиард сўмга ликвидация қийматида банк баланси-га олинган бўлиб, корхона йилига 1800 тонна трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхона «Ўзбекнегилсанот» уюшмаси таркибига кирувчи «Алфи текстил» хорижий корхонасига 8 йил мо-

байнида босқичма-босқич тўлаш шарти билан 5,75 миллиард сўмга сотилди. Инвестор томонидан киритилган қўшимча инвестиция ҳисобига корхонада 99 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу ерда 7,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 3,1 миллион АКШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ёш оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан қўмақлаштиришда уларни рағбатлантиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 36 та ёш оилага 140 миллион сўмлик сармоя, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун эса 175 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 миллиард 458 миллион сўм, ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 931 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 790 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 440 миллион сўм ёки 2,5 бараварга ошди.

Банкнинг Наманган вилояти филиаллари жамоалари Мустаҳкам оила йилида мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаштириш ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфи, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кредитлар ажратиш ва уларни молиялаштириш бўйича самарали фаолият олиб боришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқ фаровонлиғига хизмат қилтири.

Зафар АХМЕДОВ



АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БОР

Қўп йиллар қурилиш соҳасида ишлаган Мамадали Тиллаев пенсияга чиққач, ўғиллари Ботир, Зокир, Маҳмуд, Ҳакимжон ва Маъруфжонларни ёнига олиб, ҳар бири 20 сотихлик иккита томоркада иссиқхона қуришга қарор қилди. 2009 йилда «Ўзмилийбанк»нинг Сурғарё вилояти филиалидан 20 миллион сўм кредит олиб, иссиқхоналарни қуриб битказди.

Улар ҳар йили иссиқхонага август ойида турли хил қўқат ва селдир уруғларини сепишиб, биринчи ҳосилни октябрь ойидан майгача узиб, сотишади. Айниқса, селдирнинг тез ўсувчанлиғи, бозорғирлиғига гап йўқ. Бир марта ўриб олинган жойига озгина қарбамид ва гўнг солинса, ўн кун ўтмай яна аввалгидек ўсиб тураверади. Етиштирилган қўқатларни ҳаридорлар иссиқхонанинг ўзидан олиб кетишади. Биринчи экинни сотиб бўлган, ўрнига помидор, бўлғор қалампири, бодринг қўқатларини ўтказишади. Иккинчи экин ҳам июль ойидан то кеч кузгача ҳосил беради.

— Томорқа — ҳазина, — дейди Мамадали Тиллаев. — Йилига иссиқхонамиздан 100-120 миллион сўм даро-

мад қиламиз. Ушбу даромад ўғилларни уйлантиришга, уларга уй-жой қуришга хизмат қилапти. Шунингдек, олинган даромаддан ўғилларим Мўминжон ва Ҳўломжонлар машина таъмирлаш шохобчаси очиб, мустақил фаолият юритишмоқда.

Ҳалол меҳнат қилиб, томорқадан самарали фойдаланаётганликлари боис Тиллаевлар оиласи Сайхунбод тумани Иттифоқ маҳалласидаги турмуш фаровон, ибратли оилалар қаторидан муносиб жой олди.

— Қишлоғимизда Мамадали Тиллаевга ўхшаган томорқасидан унумли фойдаланиб, бир йилда икки-уч марта ҳосил олаётган оилалар қўп, — дейди Истиклол қишлоқ фўқаролар йиғини раиси Жўраб Умрзоков. —

Уларнинг оила тўқислиғи, турмуш фаровонлиғи учун астойдил тўр тўкаётганлиги, муҳими, фарзандларини ҳалол, меҳнатсевар қилиб тарбиялаётганликлари қишлоқдорларга ўрнак.

— Қўшнларнинг бир-биридан ибрат олиши бизда одатий ҳолга айланган, — дейди Мамадали ака. — Ён-атрофимиздаги қайси хонадонга кирманг, томорқасида қўқатдан тортиб, картошка, помидор, бодринг, лимону анжиргача етиштирилган томорқачиларга дуч келасиз. Улар ўз оиласини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қолмай, бозорлар ободлиғи, юрт фаровонлигининг ошишига ҳисса қўяпти.

Бозорбой БЕКМУРДОВ
Ф. ТОШМАТОВ олган сўрат.

«Норезидент» автомобиллар

БУГУН ШАХАРУ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЎЧАЛАРИНИ ФАЙЗГА ТЎЛДИРИБ, ТОБОРА КЎПАЙИБ БОРАЁТГАН, ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ УЗОФИНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИ КЎРИБ КЎЗИНГИЗ КУВНАЙДИ. АЙНИКСА, ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЎЗ АВТОМОБИЛЛАРИМИЗ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ХОРИЖИЙ АВТОУЛОВЛАР СОНИНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ҲАМ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ОШАЁТГАНИ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИҚДАН ДАРАК БЕРАДИ.

Хориждан келтириладиган автоуловларни мамлакатимизга олиб киришнинг ўз тартиблари мавжуд. Мазкур қоидаларга риоя қилиш эса автоуловларнинг мамлакатимиз ҳудудидagi эркин ва хавфсиз ҳаракати-га ўзига хос кафолат вазифасини ҳам бажаради. Аммо, ушбу тартибларга бўйсунмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш эса...

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиз иқтисодиёти ва хўжалик юритувчи субъектлари манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилиб, мамлакатимиз божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назоратидан ўтказилиши ва уларга нисбатан божхона расмийлаштируви амалга оширили-шининг мажбурийлигини белгилайди.

Божхона расмийлаштирувнинг асосини товар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона органлари учун декларациялаш ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари божхона қўноқчилиги асосида декларацияланиши лозим. Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоя қилиш, республика ҳудудига товар-моддий бойликларни олиб кириш ва ундан олиб чиқишда божхона назоратини кучайтириш мақсадида 1993 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг 372-Ф сонли фармойиши қабул қилинди. Ушбу фармойишга биноан, 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб, Давлат божхона чегараси орқали ҳаракатда бўлган товар-моддий бойликларнинг божхона расмийлаштируви фақатгина божхона юк декларацияси асосида амалга оширилиши тартиб-қоидалари жорий этилди.

Товарларни, хусусан, автома-шиналарни мамлакатимиз божхо-на чегарасидан турли ноқонуний

йўллар билан олиб кириш ҳолат-лари давлат бюджетининг даро-мадлар қисмининг шаклланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бунда ушбу турдаги қўноқбузарликни содир этувчи шахс божхона расмийлаштируви-сиз олиб кириладиган товарлар учун белгиланган божхона тўлов-ларини тўлашдан бўйин товлаш баробарида ички бозорда қўноқий фаолият юритаётган тадбиркорлар-га нисбатан ғирром рақобатни юзга келтиради. Шунингдек, хо-риждан юртимизга келтирилган товарларга божхона расмийлашти-руви амалга оширилмас экан, у хорижий мамлакат товари бўлиб қолаверади.

Бу борадаги қўноқбузарлик ҳолатларини фож этишда рес-публикамиз божхоначилари то-монидан мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга ошириб келин-моқда.

— Биргина Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси мисолида оладиган бўлса, ўтган 2011 йил давомида мазкур йўналишдан 32 та қўноқбузарлик ҳолати аниқлан-



ган бўлиб, қиймати 287 млн. сўмдан ортиқ бўлган 33 та авто-мобилларнинг, жорий йилнинг 1 чорагида эса аниқланган 7 та қўноқбузарлик ҳолатида қиймати 92 млн. сўмдан ортиқ 7 та авто-мобилнинг ноқонуний олиб ўтили-шига чек қўйилди, — дейди бош-қарма инспектор-суриштирувчиси Ж.Эргашев. — Хусусан, божхона ҳодимлари томонидан Деҳқоно-бод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Ю.Бобоев томонидан 2002 йилда Россия Федерациясида ишлаб чиқари-ган ва божхона расмийлаштируви-дан ўтказилмаган «BA3-2104» ру-сумли автомашинага 18 А 5429 давлат белгисини тақиб, фойда-ланиб юрганлиги фош қилинди. Шунингдек, Қасби туманида бо-шқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳам-корликда ўтказилган тезкор та-дбир натижасида, фуқаро А.Ами-новнинг хонадони амалдаги тар-

тибларга мувофиқ кўздан ке-чирилганда, ҳовлисида қиймати 7,5 млн. сўмдан зиёд қизил рангли «BMW-520» русумли автомашина божхона расмийлаштирувидан ўтказилмасдан сақлаб келинаёт-ганлиги аниқланди. Ҳар иккала ҳолат ҳам қўноқбузарларнинг жа-римага тортилиши ва автомаши-наларнинг давлат эгалигига ўтка-зилиши билан якун топди.

Шунингдек, хориждан авто-мобилларни импорт қилаётган айрим ташқи иқтисодий фаолият ишти-рокичлари томонидан уларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар-лар номенклатурасидаги қодини нотўғри таснифлаш йўли билан божхона тўловларидан қочишга уриниши ҳам кўзга ташланмоқда.

Масалан, Навоий вилояти бож-хона бошқармаси «Тинчлик» ташқи иқтисодий фаолият божхона пос-тида фуқаролар И.Азизов, З.Жу-маназаров, С.Эргашов, А.Худайку-лов, К.Ахадов, Ф.Хусинов, Д.Ол-

дашевлар томонидан Польша ва Литва давлатларидан олиб келин-ган жами 19 дон «Форд-транзит» русумли автомашиналар ҳужжат-лари божхона расмийлаштируви чоғида текширилганда уларнинг махсус техника сифатида қалба-килаштирилган ҳолда божхона орган-ларига тақдим этилганлиги, нати-жада қўноқбузарлар 1 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда божхона тўловларини тўлашдан қочишга уринишганлиги аниқланди.

Рақамларга мувожаат қилсақ, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтган 2011 йилда аниқланган 175 та қўноқбу-зарлик ҳолатларида 177 та, жорий йилнинг дастлабки чорагида эса 48 та қўноқбузарлик ҳолатида 64 та автомобилларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

«ЭКОСАН» Халқаро жамоат фонди Ўзбеки-стон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти минтақавий ташки-лотли билан ҳамкорликда Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ҳамда Темир йўл транспорти коллежида «Табиат муҳофа-засида бўлажак темирйўлчиларнинг ўрни» мавзусида учрашувлар ўтказди.

БЎЛАЖАК ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Уларда таъкидланганидек, кейинги йилларда «ЭКО-САН» томонидан аҳолининг ижтимоий-гигиеник ва эко-логик шароитларини яхшилаш ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган 10 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. «Тошкент темир йўллари» ОАЖ билан ҳамкорликда Орол ва Оролбўйи минтақаларига «Сало-матлик поездлари» орқали хайрия ёрдамлари уюшти-рилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, болалар ва аёллар ўрта-сида касалликлар камайишига хизмат қилмоқда.

Учрашув иштирокчиларига Орол фожисига бағиш-ланган «Харитага кирмаган сахро» ҳужжатли фильми на-моиш этилди.

Тадбир институт ва коллеж боғлари, пойтахтнинг Ми-робод туманидаги 6 та олий ўқув юртлири иштирокида барпо этиладиган «Ешлар боғи»га қўчат экиш ишлари билан якунланди.

Миркарим МИРСОУРОВ

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2000 ЙИЛ 21 НОЯБРАДАГИ 456-СОНИ ҚАРОРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА 2012 ЙИЛ УЧУН ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ВЕТЕРИНАРИЯ ПРЕПАРАТЛАРИ ВА ДИАГНОСТИКУМАРЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 2012 ЙИЛИНИНГ 22 МАЙ КУНИ ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№ т/р	Ветеринария препаратлари ва диагностикалар номи	Ўлчов бирлиги	Энг юқори нархи (сўм)
1	Вакцина против ящура сорбированная моно и поливалентная (из вируса выращенного в клетках ВНК-21) жидкая (типы А,О, Азия-1)	минг доз	850000
2	Вакцина против сибирской язвы животных из штамма 55 ВНИИВВиМ сухая/жидкая	минг доз	32000
3	Вакцина против бруцеллеза овец и коз и инфекционного эпидемического баранов из штамма Brucella melitensis Rev-1 живая сухая	минг доз	186000
4	Вакцина против оспы овец	минг доз	36460
5	Антирабическая жидкая культуральная инактивированная универсальная вакцина «Биокан-Р» из штамма «Внукова-32»	минг доз	1143000
6	Вакцина УЗНИИВ жидкая инактивированная против бешенства животных	литр	163395
7	Вакцина поливалентная против лептоспироза животных. II-вариант сухая/жидкая	минг доз	467000
8	Концентрированная поливалентная гидроокись-алюминиевая вакцина против бродячих, инфекционной энтеротоксемии, злокачественного отека овец и дисентерии ягнят	литр	34650
9	Концентрированная гидроокись-алюминиевая формолаксина против эмфизематозного карбункула крупного рогатого скота и овец	литр	34650
10	Туберкулин ППД для млекопитающих (для иностр. произв.)	минг доз	215000

Товарларни етказиб бериш, шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Ишчи орган номи: «SANOATNEFTEGAZMONTAJ-KONSALTING» шўъба корхонаси.

Таклифлар 2012 йил 21 май куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларининг нархи: чет эллик ишлаб чиқарувчиларга 300 (уч юз) АҚШ доллар ва маҳаллий етказиб берувчиларга шу қийматга тенг бўлган сўмда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун 200 минг сўм.

Ўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан.

Ушбу тендерда қатнашадиган малакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига белгиланган тартибда имтиёзлар берилди.

Ветеринария препаратларининг баҳоси (нархи) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 55-бандига асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бозор конъюнктурасини ўрганиш натижасида берган хулосаларига асосан ўзгари-ши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси 21-а уй.

Мувожаат учун телефонлар: 276-49-92, 276-90-85.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЕ БЛАГОУСТРОЙСТВО ЯККАБАГСКОГО РАЙОНА КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Тек. ремонт внутренних а/дорог пос. городского типа «Мевазор» Яккабагского района 0-4 км. Срок окончания работ, установленный заказчиком 2,5 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 101.914.666 сум без НДС, 122.297.600 сум с НДС. Финансирование осуществляется за счет: Местный бюджет.

Заказчик: Управление благоустройство Яккабагского района.

Адрес: г. Яккабаг ул. Амир Темур дом 79. Тел: 58-24-582. — Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта автомобильных дорог составляет 25%.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсу, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу — г. Карши Ханабаское шоссе дом 46 а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33. Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составля-ет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору тор-гов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г. Яккабаг ул. Амир Темур дом 79.

БАЛИҚ УЧУН СИФАТЛИ ОМИХТА ЕМ!

«Ўзлонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тасарруфидоги «Навойдонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти балиқчилик хўжаликларига парвариш қилинаётган балиқлар учун бир килограмми 848 сўмдан омихта ем маҳсулотини таклиф қилади. Балиқлар учун омихта ем маҳсулотини чекланмаган миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш ёки очик биржа саввалари орқали сотиб олиш мумкин. Харидлар пул ўтказиш, банк пластик карточкалари ҳамда нақд пул орқали 100 фоиз олинган тўлов йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:
Навой шаҳри «Спутник» кўрғони-3,
«Навойдонмаҳсулотлари» ОАЖ.

Факс: 8 (436) 226-44-65.
Тел: 8 (436) 226-44-76.
E-mail: navoidon@mail.ru

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МҲҶ
«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

АГРОМАШ ВТ-90, ВТ-150 ТОННАСИДАГИ
ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОРЛАР;
АГРОМАШ 30-ТК, 50-ТК, 60-ТК, 85-ТК УНИВЕРСАЛ
ЕР-ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАР;
ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР,
СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ

Тошкент ш. Навоий йўли кўчаси, 1. Тел.: +998 71 120 96 11;
+998 71 120 96 12; Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetr-tashkent.ru
Сайт: www.chetr-tashkent.ru

БАЛИҚ УЧУН ОМИХТА ЕМ СОТАМИЗ!

«Ўзлонмаҳсулот» компанияси тизимидоги
«Жомбойдонмаҳсулотлари» ОАЖ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Балиқчилик фермер хўжаликларини
учун зарур модалар билан
бойитилган сифатли омихта ем
ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу
омихта емни эркин савдо орқали
сотиб олишларингиз мумкин.

Самарқанд вилояти
Жомбой шаҳри
Буюк йирик йўли 2 уй.
Тел.: (+99866) 475-19-68;
(+99866) 475-15-00;
Факс: (8-366) 475-22-64;
E-mail: jomboydon_aj@mail.ru

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Тошкент ш. Чилонзор т. Т.С.М. то-
монидан (решет № 001437-08,
07.10.2005 А.) рўйхатга олинган ва
Чилонзор т. И.Омиев кў. 66-й манзи-
лида жойлашган «OZODA-FERUZA
FARM» Ж.С.Т.П. (СТП №20841725, «OZODA-
FERUZA FARM» ММҚЖ) вилентирилади.
Давлат учун тел.: 367-12-00.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-агроинженер тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Алитай АДИЛОВ, Улугбек УЗОҚОВ, Сайсатхон АБДУЛЛАЕВА, Махмуд ТОМР, Ҳамробой РАЗЗОКОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Оймулла ЮНУСОВ, Анвар КУЛМУРДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероз ГУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.	ISSN 2010-7021	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Матбуот ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.	РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмани жавобгар	Навбатчи муҳаррир: Ш.ИЛДОШЕВ Муассасхон: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОСМУХАММЕДОВА	
Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.	Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қозғоз бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.40 23031 нускада босилди. Нашр индекси — 144	Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақланган.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.	1 2 3 4 5